



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доцент

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дилшода Мавлоновна Рўзиева,
Навой давлат педагогика институтининг
мустақил изланувчиси

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ

For citation: Dilshoda Mavlonovna Ruzieva, UPDATED UZBEKISTAN: THE ROLE OF SPIRITUALITY OF WOMEN IN STRENGTHENING THE FAMILY. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.50-54

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-8>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда демократик ислохотлар изчил амалга оширилаётган даврда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб беришга, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борадаги амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳазалар ёритилган. Шунингдек, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларни сақлаш ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбиясида аёл маънавиятининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: янгиланаётган Ўзбекистон, давлат сиёсати, ислохотлар, хотин-қизлар, ижтимоий фаоллик, оила мустаҳкамлиги, аёл маънавияти, фарзанд тарбияси, оилавий кадриятлар.

Дильшода Мавлоновна Рўзиева,
Навойский государственный педагогический институт
независимый исследователь

ОБНОВЛЯЕМЫЙ УЗБЕКИСТАН: РОЛЬ ДУХОВНОСТИ ЖЕНЩИН В УКРЕПЛЕНИИ СЕМЬИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье основное внимание уделяется повышению социальной активности женщин, защите их здоровья, поддержке их устремлений и инициатив, созданию достойных условий труда и жизни и укреплению семей в качестве важнейших приоритетов государственной политики в период последовательных демократических реформ в Узбекистане, комментирует принятые меры в этом направлении. Также подчеркивает роль и значение духовности женщин в укреплении семьи, сохранении семейных ценностей и улучшении социально-духовной среды в семьях, воспитании детей.

Ключевые слова: обновляющий Узбекистан, государственная политика, реформы, женщины, социальная активность, стабильность и укрепление семьи, духовность женщин, воспитание детей, семейные ценности.

Dilshoda Mavlonovna Ruzieva,
Navoi State Pedagogical Institute
independent researcher

**UPDATED UZBEKISTAN:
THE ROLE OF SPIRITUALITY OF WOMEN
IN STRENGTHENING THE FAMILY**

ABSTRACT

This article focuses on increasing the social activity of women, protecting their health, supporting their aspirations and initiatives, creating decent working and living conditions and strengthening families as the most important priorities of state policy during the period of consistent democratic reforms in Uzbekistan, comments on the measures taken in this direction. It also emphasizes the role and importance of women's spirituality in strengthening the family, maintaining family values and improving the socio-spiritual environment in families, raising children.

Index Terms: renewable Uzbekistan, state policy, reforms, women, social activity, stability and strengthening of the family, women's spirituality, parenting, family values.

1. Долзарблиги:

Янгиланаётган Ўзбекистонда изчил демократик ислохотлар натижасида жамиятнинг турли соҳаларида аёлларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш беришга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Қабул қилинган Фармон доирасида Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Қарори, Ҳукуматимизнинг 6 та қарори, 4 та фармойиши ва 12 та чора-тадбирлар дастури қабул қилинди [2]. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан бирга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилди.

Маълумки, республикада фарзанд тарбияси ва уларни мустақил ҳаётга тарбиялашгача бўлган даврни қамраб олган таълим-тарбия ишларининг мустаҳкам тизими яратилган. Яъни, тиббиёт соҳасида фарзандлар саломатлиги назоратга олинса, узлуксиз таълим тизимида эса, маҳалла билан бирга, уларнинг билим ва тарбия олишига ҳамда касб эгаллашига эътибор қаратилади. Бироқ, ёшларни мустақил оилага тайёрлаш бўйича яратилган ушбу тизим билан жамоатчилик ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорлик, ягона ёндашув тизимининг йўқлиги муаммонинг асосий илдизини ташкил этади.

Шу сабабли, мазкур йўналишда, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида ҳам манзилли ишларни ташкил этиш, ажрим ёқасига келиб қолган ёш оилаларни аниқлаб олиш ва уларнинг муаммоларини кенг жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, оиладаги маънавий муҳитни таъминлашда аёл маънавияти муҳим аҳамиятга эга экан, бу борада оила-махалла-таълим муассасаси тамойили асосида қизларнинг тарбиясига, уларни мустақил оилага тайёрлаш масалаларига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасаларида қизларни мустақил оилага тайёрлашга йўналтирилган клублар фаолиятини такомиллаштириш орқали қизларни ахлоқий ва эстетик маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни касб-хунарга ўргатиш, оила ва никоҳ тушунчаларининг муқаддас эканлигини сингдириш, репродуктив саломатлик масалалари бўйича тўғарақларга кенг жалб этиш муҳим вазифалар сирасига киради. Оила фаровонлиги жамият тараққиётини таъминлаш омилларидан бири экан, айнан оила мустақкамлигини таъминлашда аёл маънавиятининг аҳамияти мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Тадқиқот усуллари:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида оилани мустақкамлаш борасидаги давлат сиёсати, қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва оила мустақкамлигини таъминлашда аёл маънавиятининг ўрни ва аҳамияти масалалари тадқиқ этилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонлари мамлакатимизда хотин-қизларнинг социал фаоллигини ошириш, айниқса оила институтини мустақкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилишида дастуруламал бўлиб келмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг яратилиши ва унинг негизида асосий вазифалар сирасига “соғлом оила – соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, замонавий намунали оила мезонларини белгилаш, “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” конституциявий принциплари киритилган. Оиланинг муқаддаслиги тушунчаси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Конституциямизнинг бутун бир боби оилага бағишланганлиги фикримиз далилидир. Унинг 63 - моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”, деган қоида киритилган.

2018 йил 27 июнда “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Концепция олти бўлимдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир бўлими ва бандида оилаларни бахтли ва соғлом қилишга, келажак авлоднинг соғлом туғилиб, вояга етишини таъминлайдиган, соғлом ва мустақкам оила қуришда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этадиган ҳамда олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси белгиланган. Концепциянинг бош ғояси “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” деб белгиланган бўлиб, ушбу Концепцияни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад – ҳар бир оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, оилавий муносабатлар мувозанатини таъминлаш, оила фаровонлигини ошириш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда давлатимизнинг изчил ва барқарор тараққиётига эришишдир.

Маълумки, ҳар бир оила ижтимоий-маънавий муҳитининг соғломлиги, бахтли ва хотиржам ҳаёт кечириши аёл маънавияти билан бевосита боғлиқдир. Зеро, оила жамиятнинг

асосий бўғини экан, унинг мустаҳкам бўлиши ҳамда фаровонлиги давлат ва жамият равнақига хизмат қилади.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида оилани ривожлантириш, уни эъзозлаш, оилавий кадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оиладаги соғлом ва барқарор, осойишта муҳит; юксак маънавий-ахлоқий тарбия; етарли даражадаги иқтисодий ва маиший шароитлар; оила аъзоларининг таълим йўналишида олий маълумотлилиқ даражаси; сиҳат-саломатликка алоҳида эътибор қаратиш замонавий намунали оиланинг асосий мезонлари қаторига қиради.

Оила тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлсагина, жамиятда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Бу эса, ўз навбатида, маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлигига етарли замин яратади. Оила муҳитини соғлом ва кейинчалик фаровон бўлишида қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- биринчидан, оилада ота ўрнининг аҳамиятли эканлиги;
- иккинчидан, оилада миллий кадриятлар устувор бўлиши зарурлиги;
- учинчидан эса, оналарнинг фарзандлар тарбиясига кўпроқ вақт ажратиши лозимлиги.

Оиладаги тарбиянинг самарадорлиги, асосан, бу жараёнда онанинг иштироки билан ўлчанади. Фарзанд ўз хусусиятлари, салоҳиятининг 60% ини онадан олади. Чунки онанинг фазилатлари, маънавий етуклиги ва заковат белгилари болага ўтиши исботланган ҳақиқатдир. Илмли, кучли интеллектуал салоҳиятга эга, ақлли, заковатли аёллар яхши тарбияли болаларни етиштирадilar. Уларнинг тарбиялари орқали тарихда улғу алломалар, буюк зотлар етишиб чиққанлиги тарихдан маълум. Зеро, бундай аёллар, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шакл-шубҳасиз биледи, фарзандларини гўзал тарбия қилади, оила аъзолари ва турмуш ўртоғи билан яхши муомалада бўлади ва эл ўртасида эъзоз, эътиборга сазовор бўлади. Мана шундай миллий ва оилавий кадриятлар мужассамлашган оила доим фаровон ва барқарор бўлади. Бундай соғлом маънавий муҳитда вояга етган фарзандлар эса жамият ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.

Бирок, бугунги кунда Ўзбекистонда ажрим ҳолатларининг умумий кўрсаткичи 2018 йилга 29 647 та бўлгани ҳолда 2019 йилда 31 930тани ташкил этган. Ушбу оилавий ажримларнинг аксариятига оиладаги ўзаро келишмовчилик сабаб қилиб кўрсатилгани ҳолда, яна қуйидаги сабаблар ҳам аниқланган:

- ўзаро келишмовчилик – 67,4 фоиз;
- бошқа оила қуриб яшаётганлиги – 6 фоиз;
- фарзандсизлик – 4,7 фоиз;
- тарафлардан бирининг бошқа давлатга чиқиб кетганлиги – 3,8 фоиз;
- узоқ вақт бирга яшамаганлиги – 2,9 фоиз;
- хиёнат ва бошқа сабаблар – 2,8 фоиз.

Шунингдек, кейинги пайтларда халқимизга хос бўлмаган айрим иллатлар – оилавий ажрашишлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омиллар ҳам оилалар мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оилалар барбод бўлишига қуйидаги омиллар асосий сабаб бўлмоқда:

психологик омил – оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, оиладаги доимий низолар, ота-оналарнинг ёш эр-хотин ҳаётига аралаштиришлари, ёш эр-хотинларни бегоналаштириб қўйиш, бир-бирига бефарқлик;

ижтимоий омил – ичкиликбозлик, фарзандсизлик, эр ёки хотиннинг саломатлиги яхши эмаслиги;

маънавий-ахлоқий омил – эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари;

иқтисодий омил – уй-жой таъминоти ва яшаш шароити қониқарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрнинг оилани таъминламаслиги, меҳнат мигранти сифатида хорижга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси узилгани, қарзларни узолмаслик.

Мутахассисларнинг фикрича, охириги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ажрим ҳолатлари камайгани, яъни эр-хотиннинг ажралиш кўрсаткичи пасайгани ҳам кузатилади[3].

Бугунги кунда хотин-қизлар қанчалик ижтимоий қўллаб-қувватланса, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинса, муносиб меҳнат ва оиласидаги турмуш шароити таъминлаб берилса, уларнинг ижтимоий-маиший шароитлари яхшиланса жамият ҳам юксакликка кўтарилади. Чунки аёл, нафақат она, рафиқа, балки келажак авлодни комил инсонлар қилиб вояга етказаётган шахсдир.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, аёл ўз оиласида бахтини топса, фарзандларини ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбияласа, оиласидан кўнгли хотиржам бўлса, жамиятда ўз ўрнини топишга интилади ва мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Бирок, айрим оилаларда аёлларнинг уй- рўзғор юмушларини фарзанд тарбияси ва жамоат ишлари билан бирга мутаносиб тарзда олиб боришидаги маиший қулайликларнинг етишмаётганлиги туфайли турли инқирозли ҳолатлар, оилавий ажримлар кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам, оилалар мустақамлигини таъминлашда ҳар бир оиланинг мавжуд муаммоларини ўрганиб, мақсадли-манзилли ёндашув асосида иқтисодий-ижтимоий имкониятлар ва шароитлар яратиш керак. Бу борадаги натижадорлик ва самарадорликка эришишда маҳалла масъулиятини янада ошириш лозим.

Айниқса, ёш-талаба оналарнинг таълим олиш имкониятларини таъминлаш учун болалар боғчаси ва яслиларда шароит яратиш керак. Ёки бўлмаса хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари қошида боғча ва яслиларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига оилани мустақамлашга қаратилган алоҳида фан дастурларини киритиш зарур.

Шунингдек, “Оила” маркази билан ҳамкорликда ФХДЁ органларига турмуш қуриш учун ариза берган ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш борасида қисқа ўқувлар ташкил этиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Оила” маркази билан ҳамкорликда никоҳдан ўтувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни мустақамлаш, скрининг текширувларининг афзалликларини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 104б.

[2] Нарбаева Т. Таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ўрни // “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳим омили” мавзусида республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 2019 йил 26 февраль. –Б.6.

[3] Хотин-қизлар кўмитасининг жорий архив 2018 йил маълумотлари.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000